



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 21 февраль, № 38 (8661) • Чоршанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ИНСОН ҚАДРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белги-ланган. Шунга мувофиқ 2023 йил 1 июнда аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш бўйича Фармон қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Ўтган вақт мобайнида ўндан ортик давлатларнинг таъриби чукур ўрганилди, малакали экспертлар жалб қилинди. Шу асосда олиб борилган таҳлилларга кўра, бу соҳа 30 йил олдинги тизимда қўлиб кетган, фақат давлат ажратган пулни тарқатиш билан шугулланган. Бу айрим одамларни ўзини ўнглаб олишга эмас, ёрдам кутиб яшашга ўргатиб қўйган.

Мисол учун, меҳнатга лаёқатли кишиларга ҳам нафақа тўлаб келинган. Ногиронлиги борларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётга қайтаришга етарлича эътибор берилмаган.

Давлатимиз раҳбари бу тизимни тубдан ислоҳ қилиш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллилиги ва натижадорлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

— Бу соҳада умумий ишлаб бўлмайдиган. Хар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашиш лозим. Ижтимоий хизмат тўғрисида қўйилса, эҳтиётчанлик фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ийгилишда бу борадаги устувор вазифалар белгиланди. Аввало, ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Сўнгги ойлarda кам таъминланган оилалар манзили ўрганилган ҳамада тизим шифоф қилинганга натижада доимий даромадга эга оилалар бундай тоифадан чиқарилиб. Аксинча, ўзгалар парварошига муҳтож, ёлғиз яшаётган 2 минг кишига ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Умуман, ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат камраб олинган бўлса-да, маҳалладаги аҳоли уларнинг ярмини ҳам билмайди.

Шу боис 1 июндан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарди. Бунда эҳтиётчанлик тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилди ва уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилди. Муҳтожларнинг хар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури бўлади.

Бу борада ягона саволнома жорий қилинди. Хонадонга "маҳалла еттичилиги"нинг қайси вакили киришадан қатъи назар, оиладаги муаммо ва имкониятлар аниқлиниб, "Ижтимоий портрет" чизилади. Ёрдандан сўнг хонадонда нима ўзгаргани мониторинг қилиб борилади.

Бу ерда гап маблагни қисқартириш ҳақида эмас, уни ўз эгасига — ҳақиқий муҳтожларга бериш ва жамиятга интеграция қилиш ҳақида кетмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, маҳалладаги барча ижтимоий хизматларни босқичма-босқич иж-

тимоий хизмат кўрсатиш шартномаси орқали тақдим этиш йўлга қўйилади. Бунда хизмат кўрсатувчи ҳам, ёрдам олувчи ҳам ўзига мажбурият олади.

Энди нафақа олувчилар рўйхати, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узок муддат ишлаб олмайдиганларнинг оилалари киритилади.

Бошқа фуқароларни "Ижтимоий реестр"га киритишда уларнинг фақат даромади эмас, балки харажатлари ҳам баҳоланади.

Шу йил 1 октябрдан аҳолига кўрсатиладиган барча ижтимоий ёрдамлар "Ижтимоий карта" орқали молиялаштирилади. Келгуси йилдан 40 та туманда реабилитация, соғломлаштириш ва ногиронлиги борларга қаровчиларни ўқитиш бўйича кўп тармоқли ижтимоий хизматлар марказлари ишга туширилади.

Ийгилишда ногиронлиги бўлган инсонлар манфаатлари алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон 2021 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Бундай шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар берилган.

Лекин кўп муассасалар, қўчалар ва бекатлар имконияти чекланган шахслар ҳаракатланиши учун мослашмаган. Мактаб ва коллежларда шариот йўлиги сабабли ота-оналар ногиронлиги бор фарзандини узоқдаги махсус интернатга жойлаштиришга мажбур. Бу оила ва бола учун ҳада оғир.

Шу боис энди ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим бўлади. Ногиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-хўнарга ўқишда тўсиқсиз муҳит яратиш учун уларнинг "меҳнатга лаёқатини белгилаш" амалиётини воз кечилади. Бунда ногиронлик касаллиқка қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белги-ланади.

Туман марказий шифохоналарида тиббий реабилитация хоналари ташкил этилади. Протез воситалари 18 турдан 30 турга, ажратилаётган маблаг эса 1,5 баробар оширилиб, улар билан таъминлаш электрон шаклда бўлади. Бундай воситаларни уйдан туриб, ваучер орқали онлайн ёки "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ёрдамида исталган ишлаб чиқарувчидан олиш мумкин бўлади.

Бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаси ногиронлиги бўлганлар учун қулай яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилади. Жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари кўрилади.

Ходимларнинг 50 фоизидан ногиронлик бўлган тадбиркорларга давлат буюртмачилари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти берилади. Бундай шахсларни касбга тайёрлайдиган 4 та ихтисослаштирилган мактаб саноат тармоқларига бириктирилади. Ногиронлиги борлар касаначилик ва хунарманд-

чилик асосида яратган махсус лотларини электрон платформа орқали сотиши йўлга қўйилади.

Спортни ривожлантириш ассоциацияси ташкил этилиб, ногиронлиги бор шахслар маҳалладан бошлаб оммавий спортга жалб қилинади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларда умид ва ўзига ишонч уйғотиладиган бадиий асарлар яратилади.

Ота-она меҳрига муҳтож болаларни тарбиялаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Энди жойларда васийлик ва ҳомилийк масалалари, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар билан маҳалладаги ижтимоий ходимлар шугулланади. Бунинг учун ҳокимликлар ҳузуридаги Васийлик ва ҳомилийк комиссиялари тугатилиб, 1 августдан уларнинг ваколати "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига ўтказилади.

Ўтказилган нозоратсиз қолган болаларни қарамоққа олиш бўйича "Ихтисослашган тутилан оила" тизими жорий этилади. Ихтисослаштирилган 160 та таълим муассасасида босқичма-босқич "Фамжурлик" гуруҳлари ташкил қилинади.

Ота-онасидан айрилган йигит-қизларга қўмақлаштириш тизими ҳам ўзгарди. Энди "Ёшларга ҳамроҳлик" дастури асосида уларни қўллаб-қувватлаш 23 ёшгача этиб белгиланади.

Ички ишлар тизимидаги Вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари "Ҳаёт мактаби" сифатида қайта ташкил қилинади. Улар тарбияси оғир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган масканга айлантирилади.

Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга уй-жой бериш тизими ҳам қайта кўриб чиқилади. Бунда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ҳақиқатда уй-жойга муҳтож ёшлар рўйхати шакллантирилади. Уларга бериладиган уй-жойнинг нархи бўйсиз ҳақосидан келиб чиқиб, ҳудудлар кесимида белгиланади.

Мутасаддиларга ҳозирда навбатда турган етим болаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

Зўравонликка учраган хотин-қизлар ва болалар реабилитация билан етарлича қамраб олинмагани қайд этилди. Шу боис бу борада маҳалла даражасида алоҳида тизим яратилади. Қийин вазиятдаги ёш оналарни қўллаб-қувватлаш, гўдаклар етим қолишининг олдини олиш учун "Оналар маскани" хизмати ташкил этилади. Шунингдек, туман шифохоналарида зўравонликка учраганларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш учун туну кун ишлайдиган хоналар очилади.

Ийгилишда Бош вазир, соҳа мутасаддилари ва ҳокимлари ишни ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди.

— Жамиятимизда ижтимоий адолат ва инсон қадрини таъминлаш бўйича мажбурий иш-латиб, муҳтож инсонларга мадад ва умид бағишлашимиз керак, — деди Президент.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 21 февраль куни «Келажак ўйинлари» мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлади.

Ташриф дастурида икки давлат раҳбарларининг учрашуви кўзда тутилган. Унда 2023 йил 5 — 7 октябрь кунлари Россияга расмий ташриф якунида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга

ошириш ҳамда кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинади. Ташкилдош жойига, Россия Федерациясида илк бор ташкил эти-

лаётган ва 21 февраль — 3 март кунлари бўлиб ўтадиган «Келажак ўйинлари» спортнинг аънанавий турлари, илмий ишланмалар ва рақамли технологияларни ўзда мужассам этган мусобақадир.

Ушбу йирик спорт тадбирида 107 та мамлакатдан 227 та жомоа, шу жумладан, Ўзбекистон спортчилари иштирок этади.

Ў.А.

Андижон вилояти: Бунёдкорлик ва Янгиланишлар нафаси

Бу қадимий замин ҳақида гап кетганда, кўз ўнгингизда гўзал боғу роғлар, узумзорлар, самимий, меҳмондўст ва бағрикенг инсонлар гавдаланади. Фақат бугина эмас, Андижон бугун машҳур тадбиркорлар, ишбилармонлар, хунармандлар, меҳеласозу экспортчи бизнесменлар манзили сифатида ҳам эътибор қозонмоқда. Бу нимадан дарак беради? Шубҳасиз, бу — юртимизда кечяётган ҳаётий ислохотлар моҳияти, ишбилармонлик одамлар онгу тафаккурида акс этаётгани, қолаверса, уларнинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатининг ёрқин тинимли.



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўз юртини, муқаддас тупроғини севмаган одамлар шундай фидойилик қила оладими? Йўқ, албатта. Шу юртга киндик қони тумган шох ва шир Захриддин Муҳаммад Бобур ҳам чексиз муҳаббатини "Анда жоним қолди менинг..." дея таърифлагани бежиз эмас.

Қадим-қадимдан ушбу манзил аҳолиси савдо-сотик, хунармандчилик, деҳқончилик чорвачилиқда беназир бўлган. Узоққа бормайлик: водий деҳқонлари плёнқа остига чиғит экиш тажрибасини қўллаш орқали пахтачиликда катта муваффақиятларга эришиб келмоқда. Ёки уйдан чиқмаган ҳолда даромад топиш услуби билан минглаб аҳоли доимий даромад манбаига



➔ 2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 5 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг тўсиқсиз амалга оширилиши таъминлашга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва республиканинг инвестициявий ҳозирдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича мавжуд чекловларни олиб ташлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдаги айрим мажбурий талабларни қисқартириш зарурияти юзга келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ

аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишига доир чекловларни бекор қилиши ҳамда судга шикоят қилиш имкониятларини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек «Ҳўжалик ширкатлари тўғрисида»-ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»-ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари тадбиркорлик субъектларининг устав фондиди (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганди кредитларни ёзма равишда хабардор қилиш ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда эълон бериш талаби бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда). ➔➔➔

Факт ва рақамлар

Қишлоқ хўжалиги Маҳсулотлари ҳажми ошди

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра 2023 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 426,3 трлн. сўмни ташкил этган.		Бу кўрсаткич 2022 йилдаги билан солиштирилганда 4,1 фоизга ошган.	
Ўтган йилда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми:			
— дон —	8,4 млн. тонна;	— полиз экинлари —	2,4 млн. тонна;
— картошка —	3,6 млн. тонна;	— мева ва резаворлар —	3,1 млн. тонна;
— сабзавотлар —	11,6 млн. тонна;	— узум —	1,7 млн. тонна.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
ҲАЁТЙ МАҚСАДЛАР
РЎЁБИ ВА
ДАХЛСИЗЛИК
КАФОЛАТЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда судлар мустақиллигининг кафолатларини янада кучайтириш, қонунчиликдаги айрим бўлиш ҳамда зиддиятларни бартараф этиш, оилавий мажбуриятларга эга бўлган ходимлар учун тенг имконият ва шарт-шароитни таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг парламент сўровига юборган жавоби таҳлил қилинди. Ички ишлар вазирига гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида парламент сўрови юборилди.

➔ 3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда уларнинг зиммасига ортиқча ҳаражатлар ва мажбуриятлар юклатадиган айрим бюрократик тартиб-таомиллар бекор қилинишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 159-модданинг олтинчи қисмидаги «юқори турувчи солиқ органига» деган сўзлар «юқори турувчи солиқ органига ёки судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 166-модданинг тўртинчи қисмидаги «юқори турувчи солиқ органига» деган сўзлар «юқори турувчи солиқ органига ёки судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 231-модданинг биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Солиқ органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилиш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Шахсининг солиқ органига ёки судга солиқ органининг кучга кирган ва кучга кирмаган, норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатлари, унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинган мурожаати, агар ушбу шахснинг фикрига кўра мазкур ҳужжатлар, ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик унинг ҳуқуқларини бўзса, шикоят деб эътироф этилади»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

еттинчи – ўн биринчи қисмлари тегишинча тўртинчи – саккизинчи қисмлар деб ҳисоблансин; тўртинчи қисмидаги «шикоят қилиниши мумкин» деган сўзлар «ҳам шикоят қилиниши мумкин» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин: «Юқори турувчи солиқ органига шикоят берган шахс шикоят бўйича қарор қабул қилинишига қадар уни кўриб чиқаётган солиқ органига ёзма ариза юбориб йули билан шикоятни тўлиқ ёки қисман қақриб олиши мумкин. Юқори турувчи солиқ органидан шикоятни қақриб олиш уни берган шахсни ўша асосларда шикоят билан тақроран мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Юридик ва ҳисмоний шахслар томонидан солиқ органларининг ҳужжатлари (шу жумладан норматив ҳужжатлари), улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибида шикоят қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади»; 4) 232-модданинг номидаги «шикоят бериш тартиби ва муддатлари» деган сўзлар «юқори турувчи солиқ органига шикоят бериш тартиби ва муддатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 233-модданинг номи куйидаги тахрирда баён этилсин: «Юқори турувчи солиқ органига бериладиган шикоятнинг шакли ва мазмуни»;

6) 234-модданинг номи куйидаги тахрирда баён этилсин: «234-модда. Юқори турувчи солиқ органи томонидан шикоятни кўрмасдан қолдириш»;

7) 235-модданинг номидаги «Юқори турувчи орган» деган сўзлар «Юқори турувчи солиқ органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги 308-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 325-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 891-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) 14-моддасининг тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ширкат кредиторлари ширкатнинг устав фонди (устав капитали) камайtirилганлигидан хабар топан санадан эътиборан ўттиз кун ичида ширкатдан ширкатнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган зарарнинг ўрнини қоплаши ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ширкатнинг устав фондини (устав капиталини) камайtirиш билан боғлиқ таъсис шартномасидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчилиқка мувофиқ амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 1, 2-моддалар) 19-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамият кредиторлари жамиятнинг устав фонди (устав капиталини) камайtirилганлигидан хабар топан санадан эътиборан ўттиз кун ичида жамиятдан жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган зарарнинг ўрнини қоплаши ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайtirиш билан боғлиқ таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчилиқка мувофиқ амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг

2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар; 2023 йил, № 1, 1-модда) 20-моддаси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамият кредиторлари жамиятнинг устав фонди (устав капитали) камайtirилганлигидан хабар топан санадан эътиборан ўттиз кундан кейин жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайtirилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаши талаб қилишга ҳақли».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

«20-модда. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) миқдори камайtirилганда кредиторларнинг ҳуқуқлари»

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Ташкент шаҳри, 2024 йил 20 февраль № ЎРҚ—910

Андижон вилояти:

Бунёдкорлик ва янгиликлар нафаси



Кафтдеккина томорқасидан бир йилда тўрт мартагача ҳосил оладиганлар ҳам андижонликлардир. Махсулотини ўзидан ошириб ўзга юрларга экспорт қилаётган бу меҳнаткаш халқ ҳали кўп нарсага қодир.

Зеро, фақат кечаги кун билангина фахрли равишда истиқболли келажакни яратиб йўлида фидойилик кўрсатиш муҳимлигини улар яхши англашади.

Хонадон тинч, рўзғор бут бўлса...

Бундан беш-олти йил муқаддам Андижондаги энг катта муаммо ишсизлик эди, десак, айни ҳақиқат. Чунки аксарият қўлдан иш келадиган, тўрт мучаси соғлом йигитларнинг иш излаб хоризга чиқиб кетаятгани ҳам бор гап эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев илк бор Андижон вилоятига ташрифи чоғида айнан масаланинг шу жиҳати эътибор қаратиб, янги иш ўринларини яратиш учун имконият мавжудлиги, бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлаганди. Мана, орадан ўтган қисқа фурсат ичида Андижонда тадбиркор ва ишбилармонлар сони бир неча баробар ошди. Бунинг самараси ўлароқ ўтган йилнинг ўзида 531 миңг 685 нафар ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда, яъни 15-16 февраль кунлари Андижон вилоятига ташрифида эса худудини ривожлантиришининг янги марралари белгилаб олинди. «Асака текстиль» кластерининг тўқимачилик қорхонаси ишчилари билан бўлиб ўтган суҳбатни бир эсланг. Ўз касбини севадиган, ўз кўли билан яратган маҳсулотнинг экспорт қилинишидан фахр ҳиссини туйабди хотин-қизларнинг ҳаётидан розилиги юз-қўзида шундоққина акс этиб турарди.

Мана шундай йирик тўқимачилик қорхоналарининг фаолият юритиши туманимиз аҳли учун катта имконият эшикларини очди, — дейди илгор чеварлардан бири Дилафруз Хонимова. — Бир пайтлар худудимизда бўндай енгил саннат қорхоналари фаолият юритиши тўқимачи ҳам кирмаганди. Ўзимдан қиёс: бир пайтлар икки фарзандимни онамга ташлаб, Россия Федерациясига иш излаб кетган эдим. Мусофирчилик азоб-ўқубат эканини бошдан кечирганлар яхши англайди. Дугонамдан ўзимизда янги қорхона очилгани ҳақида эшитган она юртимга шовдим. Мени ишга қабул қилишди. Хош ишонинг, хош ишонманг, хоризждагидан кўра кўп пул топаман. Энг муҳими, оилам билан биргаман, болаларимдан кўнглимиз тўқ.

Дарвоқе, ушбу қорхона иш бошлаганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Бу давр ичида 3 миңг 200 нафар аҳоли учун янги иш ўринлари яратилди. Кластер улар иштирокида 102 млн. долларлик лойиҳаларни амалга ошириб, 50 млн. долларлик экспорт қувватини яратди. Тез орада Улғунор туманида 70 миңг тонна пахта толасини қайта ишлаш орқали тайёр ма-

сулот тайёрлаш қорхонасини ишга тушириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида яна 1 миңг 600 киши доимий иш жойига эга бўлади.

— Авваллари аҳоли иш излашга вақт сарфлаган бўлса, бугунги кунга келиб, улар ўз уйларида ўзларини банд қилиш имкониятига эга бўлди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Андижон туманидаги «Орол» МФЙ раиси Матлубахон Ғаниева. — Боиси янги иш ўринларини ташкил этиш борасида вилоятда ниҳоятда катта тий-ҳалар амалга оширилмоқда. Бу сайё-ҳаракатлар, ҳатто энг чекка маҳалларда ҳам ўз ифодасини топапти. Мисол учун, ўзим раҳбарлик қилаётган маҳаллани олайлик.

Ўтган йили 233 нафар фуқаронинг уйдан чиқмаган ҳолда даромад топиш усулида бандлиги таъминланди. Бунинг учун томорқадан унумли фойдаланиш, уйда чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланиш, тикувчилик каби йўналишларда амалий ёрдам кўрсатилди. 57 нафар йигит-қизга имтиёзли кредит ажратилиш орқали тадбиркорлик фаолиятига асос солинди. 195 нафар фуқарога 10 сотихдан ер майдонининг ажратилиши орқали қўшимча 200 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Қолаверса, 30 нафар ёшга кўрсатилган амалий ёрдам тўғрисида улар ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишига имкон яратилди.

Бундан олти-етти йил аввал шундай имконият бўлганмиди? Йўқ, албатта. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги кўрсатмаларининг амалий натижасидир.

Жорий йилдан бошлаб аҳолини тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва томорқачилик йўналишидаги фаолияти қўлама янада ошди. Президент андижонлик фаоллар билан учрашув давомида бу борадаги сайё-ҳаракатларни янада кучайтириш борасида кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг Хонобод шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласида бўлиб, мулоқот чоғида ҳар бир маҳалланинг ўз имкониятлари, анъаналари, одамларнинг хоҳиш-истаклари бўлади, маҳалла уюмчаси ва иқтисодий комплекс вакиллари уларни аниқлаб, қўллаб-қувватласа, аҳолини банд қилиш, даромад манбаи яратиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари одамларда меҳнатга рағбат, ишлашга иштиёқ ва юрт келажига ишонч ҳиссини ошириб юборди. Зеро, қўли иш билан банд, оиласи тўқис, турмуши фаровон киши, албатта, ҳаётидан рози бўлади.

Тўғри фикр, оқилонга ечим

Жойлардаги учрашувларда худуддаги иқтисодий-ижтимоий ҳолатларни ўз кўзи билан кўриб, вазиятга жойида баҳо бериш давлатимиз раҳбарининг оддий иш услубидир. Бу табиийки, тўғри фикр, одил ҳулоса, оқилонга ечим ва ҳаққоний кўрсатма беришда қўл келади. Президент Шавкат

Мирзиёев ташриф давомида ҳар доимгидек меҳнат жамоаларида бўлди. Жумладан, Андижон туманидаги «Авто Спринг Компонентс» МЧЖ ишчилари билан мулоқот қилди ва иш жараёнига ғувоҳ бўлди.

— Президентимизнинг биз меҳнат қилаётган жамоага келиши кутилмаган воқеа бўлди, — дейди қорхона бош металлурги Авазхон Наҳмидинов. — Иш жараёни билан танишар экан, меҳнатимизга юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, қорхонамизда автомобильларнинг пўлат хомашёсидан тайёрланувчи деталлари ишлаб чиқарилади. Авваллари бу каби маҳсулотлар хоризждан олиб келинар эди. Эндиликда Хитой ва Германия технологиялари асосида уларни маҳаллий мутахассислар тайёрламоқда. Ҳозирги кунда жамоамизда 140 нафар ишчи меҳнат қилапти. Келгусида уларнинг сони яна 2400 нафарга ортади. Шунга яраша ишлаб чиқариш қўлама ҳам кенгайди. Буларнинг барчаси маҳсулотимиз орқали саннат ҳоҳсидаги энг муҳим вазифалардан биринчи бажараятганимиз билан фахрлишимизга асос бўлади. Давлатимиз раҳбари биз билан самимий суҳбат қуриб, олди-мизга қўйган мақсадимизни сиқидилдан адо этишимизда неки шароит керак бўлса, барчасини амалга ошириш юзасидан берган кўрсатмалари бизни янада фаолроқ ишлашга ундади.

60 миллион АҚШ доллари миқдоридagi лойиҳа асосида барпо этилган ушбу қорхонада бир йилда 18 миңг тонна чўян хомашёсидан автомобилсозлик учун жуда муҳим бўлган деталлар ишлаб чиқарилади. Авваллари бу маҳсулот хоризждан импорт қилинган. Эндиликда бўлса, маҳаллийлаштириш орқали айнаан шу қорхонада ишлаб чиқарилмоқда. Янада эътиборли жиҳати шундаки, хомашё вилоятдаги автомобилсозликка ихтисослаштирилган қорхоналар чиқиндисидан олинди. Айни пайтда бу ерда қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун 4 турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда.

Президент жамоада бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишар экан, келгуси вазифалар юзасидан кўрсатмалар берди. Бу эса навбатдаги фаолиятни таш-



кил этишда дастуриламал вазифасини ўтайди. Жумладан, қорхонада тез орада 156 млн. долларлик 10 та лойиҳа ишга туширилиши эъвазига 2 миңгта янги иш ўрни яратиладиган бўлди.

— Ҳар галгидек Президентнинг бу сафарги ташрифи ҳам тарихий аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Қарамоми Шукржон Маматқулов. — Сафар давомида вилоятдаги барча соҳалар билан танишди, ўз фикрини, ҳулосасини айтди, топшириқлар берди. Фаоллар билан учрашувда «Бугунги Андижон кечаги Андижон эмас!» дея берган баҳосини худудда қисқа мудат ичида амалга оширилган ишларга, ана шу сайё-ҳаракатлар замирида турган меҳнаткаш халқимизга берилган юксак ишонч, деф биланман. Келгусида бу ишончни оқлаш учун ҳамма имкониятни ишга солиш керак. Зеро, бу амалий ҳаракатлар замирида андижонликларнинг фаровон турмуши мўжасамдир. Эътибор берилса, Президент ҳар гал Андижонга ташрифи давомида ички имкониятлардан унумли фойдаланишни уқтиради. Андижон вилоятида меҳносозлик мактаби яратилгани ҳам ана шу кўрсатмалар ижобатининг ёрқин ифодасидир.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари ташрифи давомида меҳносозлик бўйича йўлга қўйилган ишларни ҳам кўздан кечирди.

— Президент олдинги ташрифлари давомида аҳоли ўз имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда ҳунармандчилик ва тадбиркорлик фаолиятларини бошлашга шартлоп яратиб бериш кераклиги ҳақида гапирган эди, — дейди Олтинқўл туманидаги «Ижтимоий» МФЙда истиқомат қилувчи тадбиркор Омадилло Акрамов. — 2018 йилнинг 7 июнь кунини «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарор эълон қилинган бу борадаги ишлар қўлама сезиларли даражада ортди. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда биз ҳам ўз хонадонимизда меҳносозлик билан шуғуллана бошладик. Дастлаб оила аъзоларимиз билан ишлашга бўлса, айни пайтга келиб, жамоадорларимиз сони ўн нафардан ортди. Биласизми, иш фаолиятимиз кенгай бошлагач аксарият ишларга улгурмай қолдик. Натижада қўшниларишимиздан айрим қисмларни тайёрлашда ёрдам сўрадик. Шу тариқа кимдир ёғоч йўнса, бошқа биров чеварлик ишларини бажаради. Қарабасизки, кооперация услубини жорий этдик. Ҳозир маҳалламизда салкам 500 та хонадон ме-



белсозлик билан шуғулланади. Юртимиз вилоятларига, қолаверса, қўшни давлатларга ҳам маҳсулотимизни етказиб бермоқда.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда меҳносозликни ривожлантириш бўйича бир қанча имтиёз вужудга келди. Бу эса биргина Андижон вилоятининг ўзида ушбу йўналишда фаолият олиб борувчи қорхоналар сонининг 377 тага етишига сабаб бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, худудда меҳносозлик ишлаб чиқариш қўлама 2016 йилдаги нисбатан 15 баробар ортаган. Яқин кунларда бу рақамлар янада ортиши кутилмоқда. Зеро, Андижон ва Олтинқўл туманларида яна иккита саннат зонаси барпо этилмоқдаки, бу ерда меҳносозлик билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолияти ташкил этилади.

«Кушнинг ҳам ўз уйи бўлсин»

Бугун тараққиёт барча соҳада, ҳамма жойда юз бермоқда. Шу маънода, Президентнинг бу галги ташрифи Асака ҳамда Шаҳришон туманларининг келгуси истиқболини белгилаб бергани билан янада аҳамиятлидир. Ҳар иккала худудда урбанизация дастури амалга оширилиши, аҳолиси 100 миң нафардан ошганлиги боис вилоят бўйсунувига ўтказилиши белгиланди.

Фаоллар билан учрашув давомида таъкидланганидек, «Янги Ўзбекистон» максивларини барпо этиш доирасида Асака туманида 68 та, Шаҳришон туманида 100 та қўп қаватли уйлар қад ростилади. Жорий йилнинг ўзида вилоят бўйича 90 та ана шундай уйни фойдаланишга топшириш эъвазига 7 миңгта оила ўз хонадонига эга бўлади. Бу билан давлатимиз раҳбари Андижон вилоятидаги энг катта муаммога оқилонга ечим топиб берди.

Ташриф давомида масъулар томонидан қайд этилганидек, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида вилоятда тизимли ишлар олиб борилди. Жумладан, «Янги Андижон» шаҳрида жорий йилда 2 миңгдан ортиқ хонадонли 80 та янги уй қурилиши белгиланган. Ҳозирга қадар уларнинг асосий қисмидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, ушбу манзилда 1680 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби, 420 ўринли мактабгача таълим

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛМОҚДА?

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини халққа янада яқинлаштириш, халқ ҳокимиятичилиги асосларини кучайтириш мақсадида янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари бир-биридан ажратилди. Ҳозирнинг жойлардаги долзарб муаммоларини ҳал этиш учун чинакам "халқ овози" бўлиши маҳаллий Кенгашларга кенг ваколатлар берилди, Кенгашларга ҳоким эмас, балки депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши белгилаб қўйилди.

Мушоҳада

Президентимиз томонидан шу йил 2 февралда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон бу борадаги ишларни янги бошқичага олиб чиқди. Бу эса маҳаллий даражада давлат ҳокимиятини трансформация қилишга, том маънода халқчил тизимни жорий этишга қаратилган муҳим сиёсий ислохотларнинг мантӣқий давоми бўлди.

Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон маҳаллий бошқаруви тарихида биринчи мартаба маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модель — "Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойили асосида ислох қилишга қаратилган муҳим қарорлар белгилаб берилди. Бу эса давлат ҳокимиятичилигида янги ижобий ислохотлар бошланганини кўрсатмоқда.

Биринчи ўзгариш — бу жамяят ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг фикрини инобатга олиш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳарсозлик, транспорт ва ҳудуднинг инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 33 та ваколат Кенгашлар иختиёрига ўтказилмоқда. Жумладан, таълим соҳасида тегишли ҳудудда давлат боча ва мактабларини ташкил этиш бўйича қарор айлани маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинади. Эндиликда эҳтиёжчи ҳар томонлама ўрган ҳолда қайси ҳудуд ва маҳаллада янги мактаб ёки бочча ташкил этиш керак, қайси биринчи кенгайтириш, қайсисини тугатиш зарурлигини аҳоли иродаси кўзгуси бўлиши халқ вакиллари ҳал этади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳавоний ифлослантирувчи ёки унга бевосита таъсир кўрсатувчи корхона ва ишоотлар куриладиган ҳамда чиқиндилар кўмилмайдиган жойлар халқ вакиллари розилиги билан белгиланади. Маҳаллий аҳамиятга молик бўлган қурорт табиий ҳудудлар, рекреация зоналари, ботаник ва дендрологик боғлари, табиат боғлари ҳам факат Кенгашлар розилиги билан ташкил этилади ёки тугатилади.

Шаҳарсозлик ва транспорт соҳаси оладиган бўлсақ, шаҳар йўловчилар транспортда йўловчи ва бағаж ташин тарифлари маҳаллий Кенгашлар томонидан белгиланади. Фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзли тарифлар Кенгаш қарори билан жорий этилади.

Шунингдек, шаҳар йўловчи транспортда йўналишларни ташкил қилиш, янги йўналишлар очил, бекетлар, тўхтаб туриш ва диспетчерлик маъзилари ерлари маҳаллий Кенгаш билан келишилши лозимлиги белгиламоқда. Транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектиларига, табиий объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгариштириш бўйича тақлифлар бевосита маҳаллий Кенгашлар томонидан киритилади.

Бундан ташқари, айрим тоифадаги шаҳарсозлик фаолияти объектиларини маҳаллий аҳамиятга молик объектлар сирасига киритиш ҳам маҳаллий Кенгашлар қарори билан қилинади. Ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш бўйича аҳоли пунктлари ҳудудий зоналари тоифаларига маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб ўзгариштириш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари учун тарифларни тасдиқлаш қабилар ҳам Кенгашлар томонидан амалга оширилиши узил-кесил ҳал этилади.

Иккинчи янгилик, йиллар давомида маҳаллий Кенгашлар зиммасига оқланиб келинган қатор ваколат ва функциялар тизимлаштирилмоқда. Хусусан, маҳаллий Кенгашларга маҳаллий ҳокимликлар, ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳисоботларини эшитишда маъмурун яқин соҳаларда ўзаро таъмурунлуви вазибалар юкланганиги сабабли уларни қайта қўриб чиқиш, мақбуллаштириш ҳамда тизимлаштириш зарурати мавжуд эди. Кенгашларнинг қонунчилидаги вако-

латлари тизимлаштирилмагани боис маҳаллий Кенгашлар ҳокимликлар ва қатор давлат идораларининг у ёки бу соҳага оид ҳисобот ва ахборотларини йилга қарийб юздан ортиқ мартаба эшитарди. Бу эса маҳаллий Кенгашларнинг иш юкласини суълий равишда ошириб, муҳим ваколатларнинг номигагина амалга оширилишига олиб келаётганди.

Қолаверса, ички ишлар органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, уларнинг тармоқ бўйича ўринбосарлари ҳамда маҳаллардаги профилактика инспекторлари ҳам маҳаллий Кенгашларга алоҳида-алоҳида ҳисобот беради. Шу сабабли Кенгашларнинг ҳисобот ва ахборот эшитишга оид айрим ваколатлари қайта қўриб чиқилиб, улар соҳалар бўйича тизимлаштирилди.

Фармон билан Кенгашлар олдиде тегишли ҳудудда фақатгина ҳоким ҳамда ҳудудий давлат органларининг биринчи раҳбарлари ҳисобдорлиги белгилиниши келгусида ушбу раҳбарларнинг Кенгаш олдиде ҳам сиёсий, ҳам профессионал масъулиятини ошириши, шубҳасиз.

Учинчи ўзгариши биз, "Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойили асосида қонунчилик ҳужжатларидаги 100 дан ортиқ ваколатларни маҳаллий Кенгаш ва ижроия ҳокимияти ўртасида аниқ тақсимлаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилаётганида кўрамиз.

Конституциявий ислохотлар натижасида 2024 йилги сайлов якунлари бўйича, дастлаб вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида, сўнгра 2026 йилдан эътиборан тўман (шаҳар) Кенгашларида Кенгаш раислари ва ҳокимлар алоҳида-алоҳида фаолият юритиши белгиланади. Шу сабабли амалдаги қонунчилик билан бугунга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган умумий вазиба ва функцияларнинг маҳаллий вакилик органлари ва маҳаллий ижро этивчи ҳокимияти органлари ўртасида аниқ тақсимлиниши белгиламоқда. Шунга қўра Фармон билан "Йўл ҳаритаси" тасдиқланди, манфаатдор вазирилик ва идораларга Адлия вазирилиги билан биргаликда тегишли қонунчиликдаги ваколатларни тақсимлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ширди. Тақлифларни ишлаб чиқишда жамяят манфаатларига бевосита дахл қилувчи масалаларни ҳал этишга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари масъул эканлиги билан бирга, ҳокимликларнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ташаббускорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчи муҳим янгилик сифатида Кенгашларнинг ўз фаолиятини давлат ҳокимияти органларидан мураккаб равишда амалга ошириши кафолатлаб қўйилаётганини келтириш мумкин. Эндиликда маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазиба ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юкланиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралашушга йўл қўйилмаслиги аниқ белгиламоқда.

Келгусида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда тегишли вазибалар маҳаллий вакилик органлари ва ижро этивчи ҳокимияти органлари ўртасида аниқ белгилаб борилади. Амалдаги қонунчиликдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилган ва Кенгашлар фаолиятига хос бўлмаган вазибалар ижроси бўйича маҳаллий ижро этивчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланади.

Айтиш жоизки, бу янгиликлар ҳам маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини фақат ўз сайловчилари ва тегишли ҳудуд манфаатини кўзлаб ҳолда амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, келгусида Кенгашлар самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит ва моддий-техника билан таъминланади. Фармонга мувофиқ, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ва тўман (шаҳар) Кенгашларини алоҳида-алоҳида бино билан таъминлаш бўйича зарур чоралар қўрилади. Бунинг учун Кенгашлар жойлашган бино-ишоотлар тўлиқ халтовдан ўтказилади, ҳуқуқий амалиёт асосида маҳаллий Кенгашлар биноларига ва уларни жиҳозлашга доир минимал талаблар ишлаб чиқилади.

Улуғбек ФАЙЗИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
«Zarafshon Golden Group» компанияси таъсисчиси.



ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ ВА ДАХЛСИЗЛИК КАФОЛАТЛАРИ

Ягона суд амалиёти таъминланади

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мураккаб, ҳолис суд томонидан қўриб чиқилиши кафолатланган.

Бугунги кунда суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганини текшириш институтини тақомиллаштириш орқали фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартиб жорий қилинган. Бу бўйича Жиноят, Иқтисодий, Фуқаролик процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган.

Ушбу қонунлар билан туманларро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибиде, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибиде қўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибиде, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибиде қўрилган ишларни Олий суд судлов ҳайъатларида тафтиш тартибиде, шуниингдек, Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибиде қўрилган ишларни Олий суднинг Раёсатида тафтиш тартибиде қайта қўриб чиқиш белгиланган.

Мажлисида қўриб чиқилган "Суд қарорларини қайта қўриш институтини тақомиллаштириш мақсади билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан суд қарорларини қайта қўриш институтини тақомиллаштириш бўйича процессуал кодексларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлардан келиб чиқиб ягона суд амалиёти таъминлаш, қонунчиликдаги айрим бўлишқ ва зиддиятларни бартараф этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга, улардаги бўлишқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этишга, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган суд орқали ҳимоялиниши ва судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Куролни ўз иختиёри билан топширган шахслар жавобгарлик тортимайди

Мажлисида "Қурол тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши мақсади билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220-моддасида пневматик, сигнал берувчи, улоқтириш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролларини рухсатнома ва лицензияларсиз, қонунга хилоф муомаласига доир ҳаракатларни бажариши ва фаолиятини амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик белгиламоқда.

Қонунга хилоф равишда сақлаётган ўқотар қуролни ўз иختиёри билан топширган шахсларни жавобгарликдан озод этиш тўғрисида Жиноят кодексига мустақамлаб қўйилган қоида шахслар бошқа турдаги қуролни ўз иختиёри билан топширганда уларни жавобгарликдан озод қилиш муаммосини ҳал этмайди.

Шу билан бирга, "Қурол тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасида қуролни, шу жумладан, юқорида кўрсатилган ўқотар бўлмаган қуролни ўз иختиёри билан топширган қонун Вазирилар Маҳкамаси томонидан тақрирлаб қоралари белгилиниши мумкинлиги баён этилган.

Ушбу ҳуқуқий зиддиятни бартараф этиш мақсадида мазкур лойиҳа билан таъминланади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилган ва Кенгашлар фаолиятига хос бўлмаган вазибалар ижроси бўйича маҳаллий ижро этивчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланади.

Айтиш жоизки, бу янгиликлар ҳам маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини фақат ўз сайловчилари ва тегишли ҳудуд манфаатини кўзлаб ҳолда амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ягона суд амалиёти таъминланади

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мураккаб, ҳолис суд томонидан қўриб чиқилиши кафолатланган.

Бугунги кунда суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганини текшириш институтини тақомиллаштириш орқали фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартиб жорий қилинган. Бу бўйича Жиноят, Иқтисодий, Фуқаролик процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган.

Ушбу қонунлар билан туманларро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибиде, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибиде қўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибиде, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибиде қўрилган ишларни Олий суд судлов ҳайъатларида тафтиш тартибиде, шуниингдек, Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибиде қўрилган ишларни Олий суднинг Раёсатида тафтиш тартибиде қайта қўриб чиқиш белгиланган.

Мажлисида қўриб чиқилган "Суд қарорларини қайта қўриш институтини тақомиллаштириш мақсади билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан суд қарорларини қайта қўриш институтини тақомиллаштириш бўйича процессуал кодексларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлардан келиб чиқиб ягона суд амалиёти таъминлаш, қонунчиликдаги айрим бўлишқ ва зиддиятларни бартараф этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга, улардаги бўлишқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этишга, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган суд орқали ҳимоялиниши ва судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Яна бир халқаро конвенция ратификация қилинади

"Халқаро меҳнат ташкилотининг ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисидаги 156-сонли Конвенциясини (Женева, 1981 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам мажлисида атофлича қўриб чиқилди.

Мазкур Конвенция оилавий мажбуриятларга эга бўлган ходимлар (аёллар ва эркаклар) учун тенг имконият ва шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган бўлиб, унга қўшилган давлатлар бундай ходимларга нисбатан меҳнат ҳуқуқлари соҳасида камситиларининг олдини олиш чораларини қўриш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

Конвенция ҳозирги кунга қадар ХМТга аъзо бўлган 187 та давлатнинг 45 таси томонидан ратификация қилинган. Улар қаторида Норвегия, Швеция, Испания, Франция, Япония, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Озарбайжон ва Қозғистон каби мамлакатларни санаб ўтиш мумкин.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур халқаро Конвенциянинг барча талаби Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига тўлиқ имплементация қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда тенг имкониятларни таъминлаш бўйича оилавий мажбуриятларни бажарувчи шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари қўшимча кафолатларини белгиловчи нормалар Меҳнат кодексига, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлар ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада тақомиллаштирилиши мақсади билан Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларда ўз аксини топган.

Депутатларнинг қайд этишича, Конвенцияни ратификация қилиш келгусида миллий қонунчиликни янада тақомиллаштиришга, меҳнат муносабатларига тааллуқли бўлган талабларни, жумладан, халқаро стандартларни самарали жорий этишга, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини мустақамлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Кимлар учун сув етказиб бериш хизматлари тўловлари бекор қилинади?

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган, сув ресурсларини бошқариш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан сув ҳўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлари бекор қилиш қўзида тутилмоқда. Мазкур ҳаражатларнинг ўрни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқларнинг 40 фоизини йўналтириш ҳисобидан қопланиши белгиламоқда.

Шунингдек, лойиҳада халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига қишлоқ ҳўжалиги ахтиёжлари учун сув истеъмолчиларига нисбатан сув олиш лимитларини белгилаш ваколати берилмаётган.

Бундан ташқари, Сув ҳўжалиги вазириликнинг туман (кувасой шаҳар) ирригация бўлимлари ҳамда махсус хизматлари негизида "Сув етказиб бериш хизматлари" давлат муассасалари ташкил этилганлиги муносабати билан амалдаги айрим қонунларга ўзгариштириллар киритилапти.

Мажлисида таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сув ресурсларини самарали бошқариш, мазкур жараёнларга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштирокини таъминлаш орқали ер ва сувга доир муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустақамлаш имконини беради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Парламент сўровига келган жавоб қўриб чиқилди

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Қўрилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазири Б. Зокировка "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновация ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала асосидан парламент сўрови юборилган эди.

Парламент сўровида қурилиш тармоғини модернизация қилиш, шаҳарсозлик фаолиятини жадал ривожлантириш, аҳолининг сифатли, қулай уй-жой, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан асосланган тўшунтириш бериш сўралганди.

Мажлисида депутатлар мазкур парламент сўровига келган жавобни қўриб чиқди.

Таъкидланганидек, юртимизда турар-жойлар, ижтимоий-маиший объектлар қурилиши, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларининг янгилиниши натижасида шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура қиёфаси тўздан ўзгармоқда. Қурилиш соҳасига оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилиб, доимий тақомиллаштириб борилаётган. Хусусан, Шаҳарсозлик кодексини янги тахрирда қабул қилинди. Натижада шаҳарсозлик фаолиятидаги муносабатлар, жумладан, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларга амал қилиш, ҳудудларни ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш каби масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжа-

лиги вазирилик томонидан ҳам соҳада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2023 йилда геоахборот тизими яратилиб, бугунги кунга қадар 284 та бош режа, 16 та батафсил режалаштириш лойиҳаси ушбу платформага жойлаштирилган.

Парламент сўровига келган жавобда келтирилишича, қуриш, реконструкция ва мукамал таъмирланиши режалаштирилган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш ҳар бир объект бўйича салоҳиятли лойиҳа ташкилотлар электрон рейтинг баҳолаш тизими орқали "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида баҳолашиб, маълумотлар базаси шакллантирилиб келинмоқда.

"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасидаги 16 та давлат хизмати рақамлаштирилиши натижасида аҳоли ва бизнес ағзаларига уйдан чиқмаган ҳолда хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. 2021 — 2023 йилларда "Давҳизмат" ахборот тизими орқали 800,5 мингта объект бўйича давлат хизматлари кўрсатилган.

Мажлисида қайд этилганидек, "Менинг уйим" автоматлаштирилган биллинг ахборот тизими Марказий банкнинг қилириг "МУНИС" тизимига интеграция қилиниб, мажбурий бадалларни тижорат банклари кассаларидан қабул қилиш имконияти яратилган. Тизим орқали иссиқ сув ҳисоблагичларни қиёбловдан ўтказиш бўйича 2021 йилда 23,5 мингта, 2022 йилда 23,5 мингта ва 2023 йили 16,6 мингта давлат хизмати кўрсатилган.

Шу билан бирга, 29 январь кунини давлатимиз раҳбари ҳузурда уй-жой, қурилиш, коммунал ҳўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида 2024 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазибалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги вазибалардан келиб чиқиб, вазирик томонидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинганига эътибор қаратилди.

Хусусан, смета шаклланишига асос бўлувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларга ўзгариштириш киритиш чоралари қўрилмоқда. Марказлашган манбалар ҳисобидан қурилаётган объектларга лойиҳалаш, танлов, қурилиш-монтаж ишлари ҳамда фойдаланишга топшириш жараёнини "коррупциядан холи соҳа"га айлантириш бўйича тегишли тизим яратиш ишлари олиб бориламоқда.

Кадастр агентлиги томонидан 2024-2025 йилларда уйдаги умумий мол-мулк, ертўла ва бўш моднолар ҳақида электрон маълумотлар базаси шакллантирилиб, "Менинг уйим" тизимига боғланиши ҳамда аҳоли ва ташаббускорларга очик эълон қилинади. Ижара тўловлари фақат "Менинг уйим" платформаси орқали ҳисоб-китоб қилиниб, аҳоли учун очик бўлиши таъминланади.

Мажлисида парламент сўровига жавобда қўрилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим этилганлиги қайд этилиб, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Гиёҳвандликка қарши кураш — доимо долзарб

Сўнгги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласида бўлишига қарши курашиш борасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар олиб бориламоқда. Шунга қарамадан таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу йўналишда белгилашган вазибалар ижросини таъминлашда айрим муаммолар мавжуд.

Жумладан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласини Интернет ҳаҳон ахборот тармоғи орқали амалга ошириш, бундай воситаларни тарқатиш ва реклама қилиниши янги усулларидан фойдаланиш кескин ортмоқда.

Шундай усуллардан бири —

Қисқа сатрларда

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманида "Пиллачилик соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш" мавзусида илмий-амалий семинар уюштирилди.

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда иштирокчиларга пиллани санаят усулида етиштириш, пиллакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ипак қўртини хонадонларга тарқатиб, ўрма тутзорлар ташкил қилиш ҳамда уй шароитида тайёр ипак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича зарур тушунчалар берилди.

VI ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МАРАФОНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Шу йил 21 апрель куни пойтахтимизда VI Тошкент халқаро марафони ўтказилади. Бу ҳақда Ўзбекистон енгил атлетика федерациясида мазкур мусобақага тайёргарликнинг бориши бўйича ўтказилган ташкилий қўмита йиғилишида маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазири, Миллий олимпия қўмитаси, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Енгил атлетика федерацияси ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган марафон дастуридан 42 км. классик марафон, 21 км. яриммарафон масофаси ва 3 ҳамда 10 км. масофалар киритилган. Марафон арафасида "Kids Run" оммавий югуриш мусобақаси ва шимолча юриш бўйича мусобақалар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

ОЛИМА ХОТИН-ҚИЗЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бухорода "Янги Ўзбекистонда аёлларнинг илм-фан тараққиёти ва инновацион ривожланиш жараёнидаги ўрни" мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олий таълим муассасаларида илмий фаолиятини олиб бораётган олимпиа аёллар эришаётган ютуқлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЕРИ УНУМДОР, ТУПРОФИ СОҒЛОМ ЮРТДА БАРАКА БЎЛАДИ

Ўтган йили мамлакатимиз аҳолиси сони 36,3 миллион кишига етди. Сўнги уч йилда ўртача ўсиш 2,1 фоизни ташкил қилмоқда. Бундай ўсиш суръати давом этса, мамлакатимиз нуфуси 2040 йилда 50,6 миллион ва 2050 йилда 63,5 миллион кишига етади.

БМТ маълумотида айтилишича, аҳоли истеъмоли учун 2040 йилда 1,4 млн. тонна ва 2050 йилда 2,7 млн. тонна қўшимча маҳсулот етиштириш талаб этилади. Шу боис бугунги кунда, нафақат бизнинг, балки дунё аҳолисининг озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда ягона йўл, бу тупроқларнинг унумдорлигини оширишдан иборат. Бинобарин, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми, сифати ва хавфсизлиги бевосита тупроқнинг соғломлиги ва табиий унумдорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Шарҳ

Тупроқ таҳлиллари натижаларига кўра, сўнги 30 йил мобайнида сугориладиган ерлардаги тупроқларда гумус миқдори 10 — 15 фоиз камайган. Ана шу бой берилган экин ерлари эквивалент ҳисобида 450 минг гектарни ташкил қилади.

Тан олиш керак, тупроқ унумдорлигини белгилаб берувчи гумус миқдори сугориладиган ерларнинг 68 фоизда, фосфор ва калий миқдори эса 75 фоизда паст даражада таъминланган. Бундан ташқари, сугориладиган ерларнинг 43 фоизи турли даражада шўрланган. Албатта, бу ҳолат нафақат соҳа ходимлари, балки ҳар бир юртдошимизда ташвиш уйғотиши табиий. Чунки юртимиз фаровонлиги, халқимизнинг озик-насибаси ана шу ер ва ундан олинаётган турли-туман озик-овқат маҳсулотларининг мўл ва сифатлиги билан ўлчанган.

Мамлакатимизда 2023 йил ҳисобли

учун 3,2 млн. гектар сугориладиган ерга қишлоқ хўжалиги экинлари экилган. Лекин бугунги кундаги глобал иқлим ўзгаришлари ва сувнинг йилдан-йилга танқис бўлиб бораётгани сугориладиган экин ерларини кенгайтиришга имкон бермайди.

Шу жиҳатдан олганда, Президентимиз томонидан шу йил 13 февраль куни имзоланган "Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг аҳамияти нихоятда катта. Чунки тупроқнинг соғлом бўлиши, хавфсиз ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш нафақат юртимизда, балки бутун дунёда долзарб ва биринчи галдаги вазифага айланган.

Қарорга мувофиқ 2024-2025 йилларда тажриба тариқасида пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни, хусусан, тупроқнинг

гумус миқдорини ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун ердан фойдаланувчиларга (жумладан, кластерларга) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар майдонга 1 миллион сўмдан субсидия ажратиш белгиланди.

Бунда субсидия ажратиш Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан "Агротехника хўжалик тизими" орқали ижро қилинади. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни бажариш учун дастлаб ҳисобланган субсидиянинг 70 фоизи 2024 йилда ажратилади. Субсидиянинг қолган 30 фоизи Пахтачилик кенгашининг 2025 йилда ҳосилдорлик олдинги мавсумга нисбатан ўртача 10 фоизга кўтарилиши тўғрисидаги хулосасига асосан бўлади.

Шунингдек, мазкур қарор билан агар ажратилган субсидия пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни, шу жумладан, тупроқнинг гумус миқдорини ошириш бўйича агротехник тадбирлар ижроси учун етмайдиган бўлса, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг талабномасига мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 2025 йил пахта ҳосили учун 2024 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб имтиёзли кредитлар ажратилишига рухсат берилади. Бу фермерларга ўз даласидан юқори ҳосил олиш ҳамда сифатли ва хавфсиз маҳсулот етиштириш учун катта имконият яратди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, 1 гектар тупроқ ҳайдалма қатламдан йилига тахминан 760 килограмм чи-

ринди йўқотилади. Унинг ўрнини қоплаш учун 1 гектарга камида 50 центнер миқдорда қуруқ органик материал солиниши керак. Кимёвий ўғитлар эса тупроқ унумдорлигини сақлашга хизмат қилмайди, балки экилган экинлар учун энергетик қўшимча вазифасини ўтайди, холос. Шунинг учун ҳам қарорда тупроқнинг гумус миқдорини ошириш агротехник тадбирларига эътибор кучайтирилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, субсидиялашнинг янги тизимини жорий қилиш натижасида 127 минг гектар майдонда пахта ҳосилдорлиги ўртача 15 фоизга ошади, пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ҳажми 66 минг тоннага кўпайтирилади ҳамда 2025 йилда 628 млрд. сўм ёки ажратилган субсидияга нисбатан 5 баробар кўп маҳсулот етиштирилади.

Пировардида қўшимча етиштирилган пахта хомашёси қийматидан олинган қўшимча қиймат ва айланма маблағлар бўйича солиқлар ҳисобидан 100 млрд. сўм атрофидаги маблағ Давлат бюджетига қайтади. Албатта, бу жорий этилаётган субсидиялаш механизмининг жуда самарали эканлигидан далолат бермоқда. Зеро, ҳар қарич еримиз, тупроғимиз бизнинг беқийс бойлигимиздир. Унинг соғломлиги ва унумдорлиги халқимиз фаровонлигига, юртимиз равнақига хизмат қилади.

Ойбек СОАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлар деградациясига қарши кураш бошқармаси бошлиғи.

«АФРОСИЁБ» МУЗЕЙИ ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

2019 йилда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Корея Республикасининг Маданий мерос жамғармаси ўртасида "Ипак йўли маданий меросини тадқиқ этиш ва сақлаш"га доир меморандум имзоланган эди.



Ҳамкорлик

Хужжатда "Ипак йўли" маданий меросининг сақланиши ва тадқиқ этилиши бўйича маълумот ҳамда кўникма алмашинуви, шу билан бирга, археологик тадқиқотлар орқали туризмни ривожлантириш, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган этнографик ва археологик топилмаларни реставрация ва консервация қилиш ҳам кўзда тутилган.

— Шу асосда Жанубий Корея ҳукумати маданий мерос соҳасида "ODA" (Official Development Assistance) лойиҳасини амалга ошириб, 2019 — 2021 йилларда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси таркибидagi Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида замонавий консервация ва реставрация лабораториясини очди, — дейди Самарқанд давлат музей-

қўриқхонаси бош муҳофизи Маҳмудхон Юнусов. — Айни пайтда Ўзбекистон Маданий мерос агентлиги, Жанубий Кореянинг Маданий мерос жамғармаси ва соҳа мутахассислари ҳамкорлигида Самарқанд вилоятидаги тарихий обидаларни, хусусан, "Афросиёб" музейини асраб-авайлаш ва туризм марказига айлантириш бўйича амалий ишлар давом этмоқда.

Жумладан, "ODA" дастури асосида Корея Республикасининг Маданий мерос жамғармаси томонидан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган "Самарқанд вилоятининг тарихий-маданий туризм салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида "Афросиёб" музейининг реставрация ишлари учун 33 млн. АҚШ долларига яқин маблағ ажратилди. Натижада музейнинг бирин-

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЛНИНГ ЭЪЗОЗИДАГИ ЭЪТИБОР

Инсоннинг ўрганилмаган жиҳатлари жуда кўп. Масалан, оталар нима учун кўпроқ қиз фарзандларини яхши кўради, улларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатади?.. Бунинг сирини халигача ҳеч ким тополмаган, десак, муболага бўлмайди. Ҳа, оталарда қизларига нисбатан бўлакча меҳр борки, буни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Бунга ўтмишдан ҳам, замонамиздан ҳам исталганча мисоллар келтириш мумкин.



Эй, умри азиз...

...Ўтган асрнинг 60-йиллари. Шўролар ҳукумати ҳали очарчилик асоратидан тўлиқ қутулмаган, халиям қишлоғу шаҳарларда қийналган оилалар кўплаб топилмаган бир давр. Шунинг учунми ёки халқимизнинг нонга бўлган ўзгача меҳри тудайлими, новвойга ҳам алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Уша даврда Навоий туманилик Соли аканинг мўъжазгина новвойхонаси бўлиб, бу ердан одам қадами узилмасди. Унга ҳамма бирдек яхши муомала қилар, агар қўйиб беришса бошларига кўтаргудек. Соли ака, ҳар куни бўлмасам, унда-бунда жигарбанди — Эътиборхонни новвойхонасига олиб келарди. Кейин бутун вужуди билан ўзининг юмшига киришар, ҳатто ён-вериди пилдир-пилдир қилиб юрган қизчасига ҳам унча эътибор беролмасди. Ававалига бу ҳол қизчага малол келган, бу ер уни роса зериктирган бўлса бодир. Лекин сал-пал эсини таниганидан кейин отасининг юмшига кўмак беришдан ташқари, унинг ҳар бир хатти-

харакатини диққат билан кузатади. Бир қарашда қизиқарли машғулотга ўхшаб кўрингани билан одамнинг ичини сиқиб юборадиган даражада икир-чикир ишлар. Бироқ Соли ака уларнинг ҳар бирини катта меҳр билан бажарарди. Ҳар куни шу ҳолат такрорланса-да, аммо бу отасини, заррача бўлсин, бездираётгани йўқ. Аксинча, ҳар бир ишга меҳрдан ташқари, катта масъулият билан ёндашди... Эътиборхонда эл олдидаги ва ўз касби олдидаги масъулият ҳисси ўша даврдан шаклланган бўлса, ажабмас. Ахир ёнингдаги инсон, султонлардан ҳам улуғ деб билганинг — отангнинг бунчалик ҳасослиги, жонқуярлигини кўриб, бундан улгу олишинг турган гап-ку. Айниқса, қизлар отасидан ибрат олишга, агар таъбир жоиз бўлса, отасига қараб бўй чўзишга мойил бўлишади. Хуллас, Эътиборхондаги масъулият отадан ўтган. Ва бу фазилат бутун умр давомида унга тиргак бўлди, десак, му-

болага бўлмайди. Яқиндан билганлар буни бир овоздан тасдиқлашади. Олий ўқув юртини тугаллаб қайтган Эътиборхон Зоҳидова дастлаб Навоий туманидаги Ибн Сино номидаги 30-умумтаълим мактабига иш бошлади. Ҳар бир инсон ҳаётида дастлабки иш жойининг ўрни, аҳамияти қанчалик салмоқли бўлса, ёш педагог учун ушбу мактаб ана шундай юксак мақомда эди. У бу ерда қисқа фуруст ишлаган бўлишига қарамай, ҳамкасбларининг меҳрини қозонди, энг муҳими, фидойилигини, масъулиятини инсон эканлигини исроатлади. Шундан бўлса керак, бир йил ўтар-ўтмай ёш кадр масъулиятли ишда — туман ҳокимлигида мактаблар ва ёшлар бўйича котиб лавозимида фаолият бошлади.

Эътиборхоннинг машаққатли, айни чоғда шарафли ҳаёт йўли шу тарика бошлаб кетди. Сўнгра у яна кўплаб жойларда, анкироғи, туман ва вилоят даражасидаги қатор масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилди. Ҳар сафар янги лавозимга ўтказиларкан, бундан асло чўчимайди. Аксинча, олдида мақсадни аниқ кўйган ҳолда масъулиятнинг қўлидан мақам туғди ва олдинга қараб интилаверди. Ана шунинг орқасидан эл-юрт орасида хурмат-эътибор қозонди.

Кези келганда, буларнинг ҳеч бири осонликча қўлга киритилмаганини айтиш зарур. Бунинг орқасида тинимсиз меҳнат, фидойилик, теран билим, уларнинг авалида эса масъулият турибди, десак, айни ҳақиқат. Ахир бу аёл исми Эътибор бўлган учунгина эътибор қозонган эмас. Ҳа, тинимсиз меҳнат, ҳар бир масалага масъулият билан ёндашиш, бироқ муболага билан айтганда, ўзига топширилган ҳар бир вазифани битирмагунча ўзи ҳам тинчимаслик, бошқача ҳам тиним бермаслик ортидан топди жамми хурмат-эътиборини. Шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтаётган Эътиборхон Зоҳидова бугунги кунга келиб, пенсияга чиққан бўлишига қарамай, халиям эл-юрт хизматида. Бўлди, шунча меҳнат қилдим, энди қарлик гаштини сураман, деб ўзини четга олмайди. Қўтлуг ёшга тўлган онахон айни чоғда Кармана тумани "Нуроний" жамғармаси ҳузурдаги Нуронийлар жамоатчилик кенгаши аъзоси бўлиши баробарида,

"Бувижонлар мактаби" раҳбари сифатида ҳамон олдинги сафда. У бу ерда карманалик ёшларга ҳаёт сабоқларини ўргатади, уларни катта ҳаётга тайёрлайди. Қисқаси, бугун ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, низолашган келин-кўвларни яраштириш, болажонларни китобхонликка йўналтириш, умуман, тарбия билан боғлиқ масалаларда карманаликларнинг ишончли маслаҳатчиси. Бу саъй-ҳаракатлар самараси эса ярашиб олган келин-кўвлар, тўғри йўлга қайтган ёшлар мисолида намоён бўлаётди.

Бир пайтлар отасидан меҳнатқанликни, ҳар бир масалага масъулият ила ёндашишни ўзига мерос қилиб олган Эътиборхонни бугун ҳеч иккиланмасдан замонамиз қаҳрамони, десак, муболага эмас. У чиндан ҳам ушбу рутбага ҳар томонлама муносиб. Буни бежиз қайтаётганимиз йўқ. Ҳозирги пайтда у қай даврга ташриф буюрмасин, одамлар худди нонни эъзозлаган сингари эҳтиром билан қўтиб олади.

Шундай қилиб, Соли новвойнинг қизи Эътиборхон Зоҳидова умри давомида ўзининг тинимсиз меҳнати, фидойилиги орқасидан халқимиз орасида нондай эъзоз топди.

Ҳаётини маънавиятга, маърифатга, ёшлар тарбиясига, кишилар қалбида эзгулик уруларини ундиришга бағишлаган бу инсоннинг умр йўли, сермашаққат, айни пайтда шарафли фаолияти ҳамма учун ибрат олишга арзиғулқидир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА



Жамиятнинг номи:
"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти.

Жойлашган жой:
100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари:
info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили:
2024 йил 11 март, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантирилган сана: 2024 йил 4 март.

Кун тартибига киририлган масалалар:

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши оъзолорининг янги таркибини сайлаш;

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти устувининг янги тарҳини тасдиқлаш;

"Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ Кузатув кенгашининг мустақил оъзоллиги учун танлов ўтказиш ва ном-додларни танлаб олиш тўғрисида Низомни тасдиқлаш;

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти бошқаруви оъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақиқат маълумотларини оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55. Ташқириятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07. • МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов. Мусаҳҳих — С. Исломов. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6